

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ГУЗАЛХОН УТКУРОВНА

**АЁЛЛАР ТОМОНИДАН ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ
ЖАЗОСИНИ ЎТАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2019

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ахмедова Гузалхон Уткуровна Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг такомиллаштирилиши	6
Ахмедова Гузалхон Уткуровна Особенности отбывания женщинами наказания в виде лишения свободы и его совершенствование	36
Ahmedova Guzalxon Utkurovna The specifics of imprisonment by female and its improvement.....	68
Список опубликованных работ Эълон қилинган ишлар List of published works.....	73

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ГУЗАЛХОН УТКУРОВНА

**АЁЛЛАР ТОМОНИДАН ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ
ЖАЗОСИНИ ЎТАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tsul.uz) ва Ziyonet Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдурасулова Қумриниса Раимқуловна**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қабулов Рустам**
юридик фанлар доктори, профессор

Тохиров Фарход
юридик фанлар доктори, профессор

Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси**
Ҳарбий-техника институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил ____ соат ____:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36)..

Диссертация автореферати 2019 йил ____ да тарқатилди.
(2019 йил ____ ги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б. Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD

Г.З. Тўлаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш глобал аҳамият касб этмоқда. Бу борада аёлларнинг жинойий фаолиятдаги роли ва иштирокини ҳар жихатдан кўриштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти аёлларнинг жиноятчилигининг кўлами жамият ривожига таҳдид солиши боис жиноят ва пенитенциар қонун ҳужжатларини ислоҳ этишнинг замонавий халқаро стандартлари ва умумий йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида глобал кучларни бирлаштиришга интилмоқда. Хусусан, 2010 йилда БМТ Бош Ассамблеяда Маҳкума аёллар билан муомала қилиш ва ҳуқуқбузар аёллар учун жазо чораларига доир қоидалар (Бангкок қоидалари)ни маъқулланди¹. Ҳозирда 11 млн.дан ортиқ аёллар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамоқда, хусусан АҚШ, Хитой, Европанинг эса Испания, Италия, Буюк Британия, РФ ва Қозоғистон каби мамлакатларда аёл маҳкумлар умумий маҳкумларнинг 15-20 %ни ташкил этади². Буларнинг барчаси пенитенциар муассасалар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, аёллар жиноятчилигини олдини олишнинг самарали чоралари ва механизмларини ишлаб чиқишнинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда аёллар жиноятчилигининг олдини олишнинг энг муҳим чоралари сифатида, аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ шароитларини яхшилаш, ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилигига маҳкума аёллар жазони ўташи учун махсус шароитлар яратилишига доир халқаро стандартларнинг жорий этилишини кучайтириш, аёллар рецидив жиноятчилигини профилактика қилишнинг асосий йўналиши сифатида ижтимоий-психологик адаптация (мослашув) механизмларини ишлаб чиқиш, пенитенциар тизимининг профилактик функциясини, пенитенциар сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш зарурати мавжуддир.

Мамлакатимизда жиноят-ижроия қонунчилигини, пенитенциар тизимни ислоҳ этишга, аёллар жиноятчилигига қарши курашишга, маҳкумлар жазони ўтаганидан сўнг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан, “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жинойий қилмишларни декриминаллаштириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш”³ мамлакат жиноят ижроия

¹ Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся обращения с женщинами-заклученными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила) [Электронный ресурс]. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangkok_rules.shtml.

² <https://zen.yandex.ru/media/maphub/skolko-jenscinczakliuchennyh-v-mire-5c1507dda1f01300a9c76eb4>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони//

қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида» (2016), Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги (2019) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833 сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги ПҚ–3200 сон «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006 сон «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of London, Institute for Criminal Policy Research (Англия), Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council (ЖАР), Queensland University of Technology, Brisbane (Австралия), U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice (АҚШ), University of Western Ontario (Канада), Боку давлат университети (Озарбайжон), Узоқ Шарқ федерал университети (РФ), Тошкент давлат юридик университети, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштиришга оид тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилган, жумладан: жиноятчиликнинг олдини олишга гендер ёндашувнинг таснифи ва мезонлари ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017., №6., 70-м.

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.helsinki.fi/institute-of-criminology-and-legal-policy; www.prisonstudies.org; www.mpicc.de/en/home.cfm; www.prisonpolicy.org; tsul.uz; akadmvд.uz ва бошқа манбалардан олинган.

(University of London, Institute for Criminal Policy Research, Англия); жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга комплекс ёндашув асосида, аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш оқибатида етказилган зарарнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ўрганилган (Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЖАР); аёллар томонидан зўрлик ишлатиб, содир этилган жиноятларнинг профилактикасини кучайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари таклиф этилган (Queensland University of Technology, Brisbane, Австралия), озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазоларни тайинлаш орқали аёллар жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш асослантирилган (U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice, АҚШ); пенитенциар муассасаларда таълим сифатини ошириш орқали жиноятчиликни олдини олишнинг янги шакл ва усуллари таклиф этилган (University of Western Ontario, Канада); жиноят иши ҳужжатларнинг криминалогик таҳлили асосида аёллар жиноятчилигига қарши курашиш имкониятлари ўрганилган (Боку давлат университети (Озарбайжон), жазони ижро этиш тизимидаги ташкилий-бошқарув, тарбиявий соҳадаги камчиликлар аёллар пенитенциар жиноятчилиги латентлигининг асосий сабаблари эканлиги аниқланган (Узоқ Шарқ федерал университети, РФ).

Жаҳонда аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташни такомиллаштиришга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: аёлларга озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни кенгроқ қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; аёллар рецидив жиноятчилигининг сабабларини бартараф этиш, аёллар жиноятчилигининг олдини олишга оид норматив базани комплекс тартибга солиш; салбий ижтимоий вазият ёки мажбурлов таъсирида жиноят содир этган аёлларга тайинланадиган жазоларни либераллаштириш; пенитенциар тизимда инсон ҳуқуқларининг таъминланишини яхшилаш; озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган аёллар агрессив хулқ-атворининг сабабларини бартараф этиш чораларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда пенитенциар сиёсатни такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари К.Р. Абдурасулова, З.С. Зарипов, И.У. Исмаилов, Н.С.Салаев, О.М.Махкамов, А.А. Мирзаев, Ж.А. Неъматов, Ю.С. Пулатов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

А.А. Ахмадеев, Ш.Х.Иногамов, А.А.Шамансуровлар жиноят-ижроия конунчилиги такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этганлар.

Ю.С. Пулатов, Ч.А. Сатторов, М.Ш. Юлдашев ва бошқаларнинг изланишлари озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ижро этишнинг алоҳида муаммоларига бағишланган.

Аёллар жиноятчилигининг пенитенциар жиҳатлари турли ижтимоий-демографик, криминалогик, психологик ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг бир қисми тариқасида ўрганилган. Жиноят-ижроия сиёсатининг умумий

муаммолари доирасида аёллар жиноятчилиги Е.О. Алауханов, Ю.М. Антонян, А.И. Долгова, И.И. Карпец, В.Н. Кудрявцев, Н.Ф. Кузнецова, А.С. Михлин, Н.А. Стручков, А.М.Яковлев, Л.Ш. Берекашвили, А.А. Габиани, М.Н. Голоднюк, А.К. Звирбуль, И.А.Кириллова, В.А. Серебрякова, Т.М. Явчуновскаялар томонидан таҳлил этилган⁴.

Диссертацияда хорижий, хусусан жиноят-ижроия қонунчилиги, жазони ижро этиш тизими ўхшаш бўлган МДХ олимларининг асарларига алоҳида этибор берилган. АҚШ, Буюк Британия, Франция, бошқа Европа давлатларининг жазони ижро этиш тизими миллий тизимдан жиддий фарқ қилсада, диссертацияда ушбу мамлакатлар олимларининг тадқиқотларидан ҳам фойдаланилган. Хорижлик олимлардан Austin J., Coventry G., Adam Liptak, Bishop, Norman, Homel, R. & Thomson C., Samuel H., Kristoffersen R., Tapio Lappi-Seppala, K. Kangaspunta, M. Joutsen, N. Ollus and S. Nevala., Jean Maria Arrigo., Dunkel F., Walmsley R⁵ ва бошқалар тадқиқот мавзу предмети доирасида изланишлар олиб борган. Austin J., Coventry G-хусусий турмаларда вужудга келган янги муаммоларини, Adam Liptak-АҚШ фуқароларининг бошқа кичик давлатлар турьмаларида жазони ўташини, Bishop, Norman-турьма қамоғига муқобил бўлган назорат қилишнинг электрон мониторинги хусусиятларини, Homel, R. ва Thomson C-турмалардаги зўравонликнинг сабаблари в унинг олдини олишни, Samuel H – жиноят қонунчилигини ислоҳ қилишдаги ўзгаришлар динамикасини, Kristoffersen R-Дания, Финландия, Норвегия ва бошқа давлатлардаги маҳкумларнинг ахлоқини тузатишга оид статистикани, Tapio Lappi-Seppala – Финландияда жиноят ва жазони ижро этиш сиёсатини, K. Kangaspunta, M. Joutsen, N. Ollus and S. Nevala-жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда БМТ нинг ўрнини, Dunkel F-хукуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга санкция ва чоралар қўллаш бўйича Европа қоидаларини, Walmsley R- Марказий ва Шарқий Европада жазони ижро этиш тизимини ривожлантириш истикболларини тадқиқ этганлар.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан аёллар жиноятчилигининг пенитенциар жиҳатлари турли ижтимоий-демографик, криминологик, психологик ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг бир қисми тариқасида ўрганилган. Жиноят-ижроия сиёсатининг умумий муаммолари доирасида аёллар жиноятчилиги Е.О. Алауханов, Ю.М. Антонян, А.И. Долгова, И.И. Карпец, В.Н. Кудрявцев, Н.Ф. Кузнецова, А.С. Михлин, Н.А. Стручков, А.М.Яковлев, Л.Ш. Берекашвили, А.А. Габиани, М.Н. Голоднюк, А.К. Звирбуль, И.А.Кириллова, В.А. Серебрякова, Т.М. Явчуновскаялар томонидан таҳлил этилган⁶.

Юқоридаги тадқиқотларнинг таҳлили Ўзбекистон Республикасида аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, ижро этиш, уни ижро этишнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги, жиноят

⁴ Бу ва бошқа адабиётлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Бу ва бошқа адабиётлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Бу ва бошқа адабиётлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

содир этган аёлларнинг психологик жиҳатлари, уларнинг ижтимоий реабилитацияси муаммоларига бағишланган илмий-изланишлар олиб борилмаганлигини кўрсатади. Бу ҳолат ҳам тадқиқотнинг долзарблиги ва замонавийлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш муаммолари», «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва жазони ўташ шароитларини, мазкур жазони ўтаганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аёлларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш ва уни ўташга оид қонун нормаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида аёллар жиноятчилигининг ҳозирги ҳолати ва хусусиятларини ўрганиш;

аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ ва улар ижтимоий реабилитациясининг хусусиятларини аниқлаш;

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган аёлларни криминологик тадқиқ этиш;

пенитенциар муассасаларда жазони ўтаётган аёлларнинг демографик, жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш;

аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишга доир халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш;

аёлларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ хусусиятларини жазони ижро этиш муассасаси турига қараб очиб бериш;

аёлларга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда уларнинг оналик ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш;

аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлаш ва ижро этиш соҳасидаги жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ ва уларнинг ижтимоий

реабилитацияси соҳасидаги ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ ва уларнинг ижтимоий реабилитациясига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, мавзуга оид халқаро ҳуқуқ нормалари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, киёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда ишга жойлаштириш тўғрисидаги қонунчиликнинг жинойт-ижроия қонунчилигига киритиш лозимлиги асосланган;

психологик ёрдам олиш, психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилиши амалиётини жорий этиш зарурати асослаб берилган;

хомиладор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли ишга ўтказиш, хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, таътилга чиқиш, шунингдек, меҳнатига тўлиқ ҳақ тўланишига оид ҳуқуқларининг Жинойт-Ижроия Кодексига киритилиши асосланган;

озодликдан маҳрум этилган аёлларга психологик ёрдам кўрсатиш, маҳкумнинг ҳуқ-атвори ва шахсий хислатлари, унинг ҳуқ-атворига ва қоидабузарлик ёки қилмиш содир этишга таъсир қилиши мумкин бўлган руҳий ҳолати бузилиши интизомий жазо қўллаш вақтида инобатга олиниши лозимлиги асослаб берилган;

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанларга нисбатан маъмурий назорат муддати олти ойдан бир йилгача ўрнатилиши зарурлиги асосланган;

маъмурий назорат суд қарори чиқарилган пайтдан эътиборан, бундай назорат жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиш вақтида ўрнатилган бўлса, мазкур шахс танлаган яшаш жойига етиб келган пайтдан ҳисобланиши кераклиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Жинойт-ижроия кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган;

ЖИКга ҳомиладор ва ёш болали аёллар учун, шунингдек бошқа тоифадаги маҳкумалар учун муайян имтиёзлар белгиланиши зарурлиги асослантирилган;

аёл маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини такомиллаштириш нафақат жиноий жазони ўташ шароитларини либераллаштиришга, балки аёллар жиноятчилигининг олдини олишга ҳам хизмат қилиши асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭМ фаолиятини, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган аёллар билан ўтказиладиган ташкилий-тарбиявий чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари ва халқаро стандартлар, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича жиноят-ижроия тизимида фаолият юритаётган 50 нафар ходим ва жазони ижро этиш муассасасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган 300 нафар аёллар орасида сўровлар ўтказилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга оид жиноят-ижроия қонуни нормаларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, жазони ўтаганларнинг ижтимоий реабилитациясини яхшилашда, мавзуга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунларга имплементация қилишда, янги илмий тадқиқотлар олиб боришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, аёлларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга бағишланган нормаларнинг мазмуни тўғри тушунилиши ва уларни қўллашнинг ягона амалиёти шаклланишига, шунингдек, мазкур жазони ўтаганларнинг ижтимоий реабилитациясини яхшилашга бағишланган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш,

Ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда ишга жойлаштириш кераклиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-530-сонли Қонунининг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 9-моддаси)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ мас масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/1-05-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар маҳкумларнинг таълим олиш, касб эгаллаш ҳуқуқининг таъминланишига хисса қўшган;

психологик ёрдам олиш, психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилиши амалиётини жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-530-сонли Қонунининг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 9-моддаси)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ мас масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/1-05-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқининг таъминланишига хизмат қилган.

хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, таътилга чиқиш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўланишига оид ҳуқуқларнинг жиноят ижроия қонунига киритилиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-530-сонли Қонунининг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 97-моддаси)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ мас масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/1-05-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар маҳкумларнинг меҳнат қилиш, уларга меҳнатига яраша ҳақ тўланишига оид ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

озодликдан маҳрум этилган шахслар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни такомиллаштириш, маҳкуманинг хулқ-атвори ва шахсий хислатлари, унинг хулқ-атвори ва қоидабузарлик ёки қилмиш содир

этишига таъсир қилган интизомий чоралар қўллаш учун сабаб бўлган рухий ҳолати бузилишининг интизомий жазо қўллаш вақтида инобатга олиниши кераклиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-530-сонли Қонунининг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 106-моддаси)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/1-05-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши жазони ўтаётган шахсларнинг тарбиясини, интизомий жазони қўллашда одиллик принципига риоя этилишига хизмат қилган;

маъмурий назорат муддатини қонунда белгиланиши кераклиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 9 моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/2-06-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган аёллар устидан ўрнатилган маъмурий назорат муддатининг қонунда аниқ белгиланишига хизмат қилган;

маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ҳуқуқларини қонунда аниқ белгилаш зарурлигига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаласини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги №06/2-06-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган аёллар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартибига риоя қилиниши ва улар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 24 та (5 таси хорижий нашрларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 239 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ретроспектив таҳлил ва Ўзбекистонда аёллар жиноятчилигининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобда аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш ва уни ўташга оид қонун нормалари ривожланишининг тарихий жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида аёллар жиноятчилигининг ҳозирги ҳолати ва тенденциялари таҳлил қилинган.

Ретроспектив жиҳатдан пенитенциар тизим тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва Ўзбекистон Республикасида ушбу тизимнинг ривожланиши аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташи нуктаи назаридан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилиги ривожланишининг асосий босқичларида аёлларнинг ушбу турдаги жазони ўташининг ҳуқуқий асослари ва шароитлари таҳлил қилинган (ахлоқ тузатиш меҳнат тизими, жиноят-ижроия тизими, жазони ижро этиш тизими органлари ва муассасалари, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этувчи органлар), мавжуд ёндашув ва таърифлар ўрганилган. Муаллиф Ўзбекистонда аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш ва ижро этишнинг хронологик эволюциясини ўрганиб, аёлларга нисбатан жазони ижро этиш соҳасидаги республика жиноят-ижроия қонунчилиги бир неча босқичдан иборат бўлган жиддий трансформацияни бошдан кечирганлигини таъкидлайди.

Биринчи босқич, 1926 йил 16 июнда ЎзССР Олий Совети биринчи чақириқ тўртинчи сессиясида Ўзбекистон тарихида илк маротаба ЎзССР Ахлоқ тузатиш меҳнат кодекси қабул қилинди, натижада жазоларни ижро этиш идоравий норматив ҳужжатлар билан эмас, балки қонун билан тартибга солина бошланди. Мазкур Кодексда аёллар учун маълум имтиёзлар белгилаганлиги кўрсатилган.

Иккинчи босқич, 1970 йил 24 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессиясида қабул қилинган ЎзССР Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексида маҳкума аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилганлиги нуктаи назаридан, у

ЎзССРнинг 1926 йилги АтМК га нисбатан анча либерал бўлган.

Учинчи босқич 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қабул қилиниши билан бошланиб, унда аёллар учун кўшимча имтиёзлар берилган ва ҳозирги кунда ҳам амал қилмоқда.

Дастлабки қонун ҳужжатларининг айрим нормаларида аёлларнинг жазони ўташига анча либерал муносабатда бўлинганлиги таъкидланади.

Муаллиф, Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги АтМКда «ҳомиладор ва болани кўкрак сути билан овқатлантирадиган аёллар уларнинг яшаш жойидан бошқа жойдаги ахлоқ-тузатиш меҳнат ишларига жўнатилиши мумкин эмас»лиги, «туғруқдан олдин ва ундан кейин, ЎзССР меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексига белгиланган муддатда ишларга умуман жалб қилинмайди, ва ушбу Кодекс билан ҳомиладор ва болани кўкрак сути билан овқатлантирадиган аёллар учун ўрнатилган барча имтиёзлардан фойдаланиши мумкин»лигини кўрсатган. Мазкур кодексда илк марта ёш болаларни онаси билан ахлоқ тузатиш колониясидаги махсус жиҳозланган хоналарда ёки алоҳида биноларда қолдириш имконияти кўзда тутилган.

Диссертант, ўша даврдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, колонияда ёнида тўрт ёшгача фарзандларини қолдириш имконияти нафақат аёлларга, балки эркакларга ҳам берилгани ҳақидаги норма мавжудлигини таъкидлаб ушбу норманинг ижобий жиҳати сифатида инсонпарварлик принципига мослигини кўрсатган.

2-босқич 1970 йилда ЎзССР Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексига маҳкума аёлларга эркак маҳкумларга нисбатан кўшимча ҳуқуқларнинг берилганлиги сабабли у ЎзССР 1926 йилги АтМКга нисбатан анча «илғор бўлган».

1970 йилги ЎзССР АтМК 18-моддасида илк марта маҳкум эркак ва аёлларни алоҳида сақлаш принципи мустаҳкамланган, Кодексда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган аёллар жазони: умумий, қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш колониялари ва турмаларда ўташи белгиланган. Шунингдек, аёллар ҳам эркаклар сингари қонунда кўзда тутилган ҳолларда жазони манзил колонияларда ўташи мумкин бўлган (1970 йил ЎзССР АМК 27-моддаси). Биринчи уч турдаги муассасаларда аёллар учун эркак маҳкумлардан фарқ қиладиган жазони ўташ шартлари жорий этилган бўлса, манзил колонияларда аёллар ва эркаклар учун шароитларда фарқ бўлмаган.

Тадқиқотчи, аёлларни колония ва турмаларда сақлаш хусусиятлари ҳақида тўхталиб:

биринчидан, ўша даврда аёлларнинг жазони ўташ колонияда икки ёшгача бўлган фарзанди билан бирга бўлиши назарда тутилган бўлиб, 1970 йилги ЎзССР АтМК 75-моддаси 4-қисмига мувофиқ ахлоқ тузатиш колониялари қошида болалар уйлари ташкил қилинган. Бироқ моддада колониянинг қайси турида – эркак ёки аёллар учун, умумий ёки қаттиқ режимдаги колонияда болалар уйи ташкил этилиши аниқ берилмаган. Амалиётда маҳкума аёлларни сақлаш учун мўлжалланган ахлоқ тузатиш колониялари қошида болалар уйларини ташкил этилган.

Иккинчидан, аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташида

уларнинг физиологик ҳолати, яъни уларга кўпроқ (сифатлироқ) овқат бериш ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ туфайли ишдан озод қилиш назарда тутилган. 1970 йилги ЎзССР АТМК 75-моддаси 4-қисмида «ҳомиладор аёллар, овқатлантирадиган оналарга... яхшиланган яшаш ва маиший шароитлар яратилади ҳамда оширилган овқат нормалари ўрнатилади. Тиббий комиссия хулосаси билан бу шахсларга кўшимча озиқ-овқат посилка ва йўқловлар олишга рухсат берилиши мумкин»лиги мустаҳкамланган эди.

Учинчидан, жазони қаттиқ режимли колонияда ўташи тайинланган аёллар учун жазони ўташ шароитида енгиллик белгиланган. Мазкур кодекс 70-моддаси 3-қисмида «ҳомиладор аёллар, шунингдек эмизикли болали аёллар каттиқ режимда сақланиши мумкин эмаслиги» белгиланганди.

Муаллиф ҳомиладор, ахлоқ тузатиш колониялари қошидаги болалар уйларида болалари мавжуд аёлларга нисбатан жарима изолятори ёки камера типидagi хоналарга, турмада – карцерга киритиш ва қаттиқ режимга ўтказишга йўл қўйилмаслиги (1970 йил ЎзССР АМК 67-моддаси 2 қисми)ни ҳам қонуннинг ижобий жиҳати сифатида кўрсатган.

Тадқиқотчининг фикрича, жиноят-ижроия қонунчилиги ривожининг учинчи босқичи Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят-ижроия кодекси (1997 й) қабул қилинган вақтдан бошланади. Ушбу қонун билан жазони ижро этиш режимига оид янги ҳуқуқий нормалар жорий этилди, хусусан, аёллар жазони ахлоқ тузатиш колонияларида эмас, балки жазони ижро этиш колонияларида ўтайдиган бўлди.

Кўп сонли тадқиқотларни ўрганиш аёлларнинг жинойий ҳуқ-атвори эркаклар жинойий ҳуқ-атворидан жиноят содир этиш усули ва қуроли, уларнинг кўлами, жинойий хатти-ҳаракатларнинг хусусияти, жиноят қурбонини танлаш кабилар билан фарқ қилади. Бу аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитлари ва ижтимоий роли ўзгариб бораётганлиги, ғайриижтимоий ҳуқ-атвори хусусияти ҳамда жиноятларни содир этиш усулларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда⁷. Муаллиф бугунги кунда мамлакатимизда аёллар жиноятчилигига муносиб баҳо бериш, жиноятчи аёл шахсини тушуниш ва унинг жинойий ҳуқ-атворини изоҳлаш амалиётдан ортда асослади. Тадқиқотчи жиноятларнинг аксарияти эркаклар томонидан содир этилишини, шунингдек, аёлларнинг жинойий ҳаракатлари одатда айнан эркак жинсидаги шахслар билан боғлиқликда содир этилаётганини кўрсатган.

Муаллифнинг фикрига кўра, аёллар томонидан кўпроқ иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар содир этилади ва таъмагирлик мотивига эга бўлиб, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, ўғрилик, фирибгарлик, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва бошқа жиноятлар шулар жумласидандир. Бу аввало,

⁷ Преступность среди женщин (<https://otherreferatsallbest.ru>).

мазкур жиноятлар содир этиладиган хўжалик тармоқларида (савдо, умумий овқатланиш, молия ва кредит соҳаси ва ҳок.) ишлайдиган ходимлар таркибида аёллар улуши кўпчилиқни ташкил этиши, ҳамда турмушда ролларнинг анъанавий тақсимоли билан изоҳланади.

Тадқиқотчи томонидан аёллар жиноятчилиқнинг ҳолатини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келинган.

1) аёллар томонидан содир этилган барча жиноятларни уларнинг касбий фаолияти ва оилавий-маиший муносабатлари билан боғлиқ икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ доирасида кўпроқ таъмагирлик жиноятлари; иккинчи гуруҳда – зўравонлик жиноятлар содир этилади. Биринчи гуруҳдаги жиноятлар миқдори иккинчи гуруҳдагидан анча зиёддир.

2) аёллар жиноятчилиқининг даражаси эркакларнигидан анча паст, аммо сўнгги йилларда умумий жиноятчилиқда унинг улуши ортиб бормоқда. Таъмагирлик жиноятчилиғи даражаси аёлларнинг иқтисодиётнинг маълум секторларида бандлиғи, улар учун у ёки бу моддий неъматларнинг қўлга киритиш осонлиғи билан белгиланади. Аини вақтда улар, бундай ҳуқуқбузарликларни ўз оиласи, фарзандлари учун эркакларга нисбатан кўпроқ содир этади.

3) ҳозирги вақтда аёллар ўртасида зўравонлик жиноятлари сонининг нисбатан ортиб бораётганлиғи, ҳулқида агрессия ва шафқатсизлик ҳолатлари кузатилмоқда, улар анъанавий равишда «эркаклар» жиноятлари деб айтилган жиноятлар : талончилик, босқинчилик ҳужумлари ва х.к. содир этганлиғи жамиятда алоҳида ҳавотир уйғотиши шартдир.

4) аёллар жиноятчилиғи, улар содир этган жиноятлар сони, ўзига хослиғи ва тузилиши, жамиятга, унинг маънавий-руҳий муҳитига таъсири сабабли, умумий жиноятчилиқнинг алоҳида мустақил турини ташкил қилади⁸.

Муаллиф томонидан тадқиқот давомида йиғилган эмпирик маълумотлар жиноятчи аёл шахсининг ўзига хослиғи ҳақида хулосалар қилиш имконини берган. Жумладан, алоҳида кримнологик аҳамията эга омиллар ичида у қуйидагиларни қайд этади:

- аёл ҳулқ-атворини белгилайдиган ва шакллантирадиган турмуш шароитлари, кейинчалиқ унинг ҳам ижобий, ҳам салбий ҳулқ-атвори шаклида намоён бўлади;

- аёллар фаолият юритаётган соҳалар тавсифи, жамиятда улар бажараётган функцияларга мос равишда жинойий ҳулқ атворни белгилайди.

Жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик белгиларини таҳлил қилиб, тадқиқотчи асосий белгилар ичидан уларнинг ёшига алоҳида эътибор беради. Ёш конкрет шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари тизимини белгилайди ва «ҳар бир ёш босқичида шахснинг ижтимоий мавқеи, моҳияти, турлича бўлади». Ўтган сўнгги ўн йилда жиноят содир этганлар ёшининг ошганлиғи кузатилади (25-29 ёшдан 30-49 ёшга). Шахс тавсифида муҳим

⁸ Женская преступность (электронный ресурс: <http://referat911.ru>)

аҳамиятга эга, ҳаётий қадрият ва қизиқишларнинг шаклланишига жиддий таъсир этадиган яна бир омил – унинг маълумоти даражасидир. Охирги ўн йилликда у бироз ўсди, аёл жиноятчилар ичида тугалланган ўрта маълумотга эга шахслар (30% га яқин), ўрта махсус маълумотга эга шахслар (35%дан ортиқ) улуши энг юқори бўлган. Жазога ҳукм қилингунига қадар қандай машғулот билан шуғулланганлиги аёл жиноятчилар ижтимоий-демографик тавсифининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ўрганиш бундай аёлларнинг маълум қисми 50% га яқини ҳеч қаерда ишламаган ёки ўқимаганлигидан далолат беради. Тадқиқотлар жиноят содир этгунига қадар аёлларнинг деярли ярми оилали бўлган, озодликдан маҳрум қилинмаган аёллар, қоида тариқасида, оиласини сақлаб қолган, озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг жуда оз қисмида оиласи сақланган⁹.

Аёл жиноятчилар хулқ-атворида кўзгатувчи мотивлар билан бирга, уларнинг ҳаракатини оқловчи мотивлар ҳам мавжуд бўлиб, одатда, оиласи, фарзандлари, яқин инсони учун жиноят содир этган. Бу ҳолатлар, айниқса оилавий-маиший муносабатлар соҳасида содир қилинган жиноятларда жабрланувчи аёлнинг қариндоши ёки таниши бўлганида билинади.

Аёл жиноятчилар учун хос бўлган яна бир жиноят-ҳуқуқий белги судланганлик ҳолатидир. Муаллифнинг тадқиқотларига кўра, аёл жиноятлар томонидан содир этилган умумий жиноятларнинг 70% дан ортиғи биринчи марта, 25% дан ортиғи иккинчи марта ва тахминан 5% учинчи ва ундан кўп марта содир этилган. Улар томонидан такроран содир этилган жиноятлар кўпинча бир-бирига боғлиқ бўлган, бироқ алоҳида жиноятлар таркиблари ҳам учраб туради¹⁰.

Аёл жиноятчилар криминологик тавсифида шахснинг ахлоқий хусусиятлари ва белгилари, деформацияси ва криминоген фаоллик даражаси, ҳаётий вазият ва ҳолатларнинг шахс хулқ-атворида таъсири ўта муҳим ҳисобланади. Социологик сўров натижаларига кўра жиноят содир этган аёлларнинг 70%и ўз қилмишидан пушаймон бўлган, 40% айбини тўлиқ тан олган, 30% айбини қисман тан олган, 25% эса айбини умуман тан олмаган¹¹.

Муаллиф аёллар жиноятчилигини ўрганиб,

1) аёллар жиноятчилигининг сабаблари, умумий жиноятчиликнинг сабаблари каби ижтимоий тусга эга эканлигини;

2) аёллар жиноятчилигини вужудга келтирувчи сабаблар, умумий жиноятчилик сабабларининг бир қисми эканлигини;

3) аёллар жиноятчилигини эркаклар жиноятчилиги сингари умумий сабаблар вужудга келтиради, аммо ҳар бир конкрет ҳолатда уларнинг оқибати турлича бўлади. Масалан, аёлларнинг зўрлик ишлатиб жиноят содир этиши учун жисмоний кучи камроқ, аёлларнинг касбий фаолияти, ишлаб чиқаришда, вазифа ва ролларида юз берган ўзгаришлар, оилавий ва маиший

⁹ <https://www.zakon.kz/4846943-ob-osobennostjakh-otbyvanija-nakazanija.html>

¹⁰ Психологическая характеристика адаптации освобожденного к условиям жизни на свободе (<https://works.doklad.ru/view/VJ-kWlk18UM.html>)

¹¹ <https://www.zakon.kz/4846943-ob-osobennostjakh-otbyvanija-nakazanija.html>

муносабатлар соҳасида, шахсий ҳаётида уларнинг мобиллиги ва эркинлигига боғлиқ эканлиги¹²;

4) аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий сабаби янги иқтисодий муносабатлардаги нуқсонлар – ишлаб чиқаришнинг пасайиши, аҳоли моддий аҳволининг бирмунча ёмонлашуви ва даромади даражасининг турлича эканлиги, рўйхатга олинган ва яширин ишсизликнинг мавжудлиги;

5) турмуш шароитлари аёлларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаши боис ижтимоий муносабатдаги камчиликлар, умумий рухий беқарорлик, ҳаётда маънавий-рухий мўлжални йўқотиш, оилавий турмушга мослаша олмаслик аёллар, айниқса ёшлар жиноятчилигига муайян даражада туртки бераётганлиги;

6) мамлакатимизда турли ижтимоий гуруҳларга мансуб аёллар томонидан моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари фарқ қилади, ваҳоланки, аҳолининг барча гуруҳларида моддий эҳтиёжлар деярли бир хилдир. Демак, турли ижтимоий гуруҳлар ичидаги кескинлик даражаси турлича бўлиши мумкинлигига эътибор бериш зарурлигини асослайди.

Аёллар жиноятчилиги криминологик таҳлиliga яқун ясаб, тадқиқотчи жиноятчининг замонавий криминологик портретини яратади, унга кўра оилали, 30-49 ёшдаги, тугалланган ўрта ёки ўрта-махсус маълумотли, муайян машғулотга эга бўлмаган; қоида тариқасида, қасддан, мулкка қарши битта жиноятни, ўзи ёки яқинлари ҳаётига яқин мотивларга кўра содир этган, унга 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган аёлдир¹³.

Диссертациянинг «**Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташнинг назарий ва амалий асослари**» деб номланган иккинчи бобида аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташнинг ўзига хос хусусиятлари, турли режимдаги жазони ижро этиш муассасаларида аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган аёллар шахсининг ҳуқуқий ва маънавий-психологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз жиноят-ижроия кодексининг таҳлили, унда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган аёлларнинг аҳволини яхшилашга оид фақат айрим унча аҳамиятли бўлмаган нормалар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, ЖИК 84-моддаси 1-қисмига кўра, аёллар сақланадиган колонияларда бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси, эркалар сақланадиган муассасалардаги сингари икки квадрат метр эмас, балки уч квадрат метрни ташкил этади.

Бундан ташқари, ЖИК 132-моддасида белгиланишича, маҳкума аёллар билан бирга уч ёшга тўлмаган болаларини жойлаштириш учун жазони ижро этиш бўйича муассасаларда зарурат туғилганида, болалар уйи ташкил этилади. Диссертантнинг таъкидлашича, маҳкуманинг ўз фарзанди билан

¹² Столяренко А.М. Энциклопедия юридической психологии. // Хрестоматия по юридической психологии. Особенная часть. Пенитенциарная психология. М., 2003. – С. 236-282.

¹³ <https://www.zakon.kz/4846943-ob-osobnostjakh-otbyvanija-nakazaniya.html>

яшаши учун, фақат тегишли маиший шароитлар мавжуд бўлганида имконият пайдо бўлади. Уларга, биринчи навбатда, ёш болали маҳкума аёлга алоҳида хона ажратиш имконияти яратилиши лозим. Жазони ижро этиш муассасаларида бўш хоналар билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олиб, колониялар маъмурияти томонидан одатда бир хил ёшдаги болаларга эга икки-учта аёлларга битта хона берилади. Бундай хоналар барча зарур нарсалар, санитария-техник ускуналар билан жиҳозланиши, болалар яшаши учун мослаштирилган бўлиши шарт.

Муаллиф, суд томонидан аёлга тайинланган жазони ижро этиш колонияси тури, амалда ҳеч қандай рол ўйнамайди, боиси Ўзбекистонда ягона аёллар колонияси фаолият юритиб, у ерда умумий ва қаттиқ режимда жазони ўташга ҳукм қилинган маҳкума аёллар, шунингдек вояга етмаган аёл жиноятчилар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача болали аёллар сақланади. Бунинг учун аёллар колонияси ҳудудида кўрсатилган тоифадаги маҳкума аёллар учун алоҳида ҳудудлар ажратилган.

Аммо, бу ҳолат халқаро пенитенциар стандартларга жавоб бермайди. Жумладан, халқаро-ҳуқуқий стандартларда мустаҳкамланган қоидаларга кўра, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларга тақсимлаш (жўнатиш, кўчириш) ҳақидаги қарор маҳкумлар ва уларнинг оилалари учун қийинчилик туғдирмаслиги лозим. **Ижтимоий реабилитация мақсадида, маҳкумлар ўзининг яшаш жойига яқин жойда ёхуд унга имкон қадар яқин масофадаги пенитенциар муассасаларда сақланиши шарт.** Стандартларда «**маҳкумлар билан имкон қадар маслаҳат қилиш ва уларнинг оқилона талабларни бажариш**» тавсия этилади. Маҳкум жазони ўташ жойига ўтказилгунига қадар, тергов изоляторидида сақланаётган вақтда маслаҳат қилиниши лозим.

Шунга кўра, диссертант аёл жинсига мансуб маҳкумларни битта жазони ўташ муассасасида тўплашдан воз кечишни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир нечта замонавий кичикроқ ҳажмли, техник жиҳатдан талаб даражасида жиҳозланган, аёллар учун махсус пенитенциар муассасалар ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини, уларнинг дислокацияси барча аҳоли учун қулай бўлиши лозим (масалан, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида)лигини таъкидлайди.

Оналар ва болалар соғлигини сақлашнинг муҳимлигини инобатга олиб, ЖИК 78-моддаси 3-қисмидаги ҳомиладор ва жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйидаги болали аёлларга нисбатан посилка, йўқлов ва бандеролларни олиш бўйича чекловлар бекор қилиниши таклиф этилади.

Диссертацияда танқидий ёндашув асосида жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти томонидан маҳкума аёлларга қисқа муддатли таътил жазонинг камида олти ойи ўталганидан сўнг, ягона ва бир хил амалиётни жорий этиш ва муассаса мансабдор шахслари томонидан коррупция ва суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш мақсадида ЖИК 133-моддасини ушбу ҳуқуқдан фойдаланишнинг аниқ механизми кўзда

тутилган янги тахрирда бериш таклиф этилади:

«133-модда. Маҳкума аёлларнинг қисқа муддатга муассаса доирасидан четга чиқиши»

Мақтабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлари, васийлари ёки болалар муассасаларига жойлаштириши учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга муассаса доирасидан четга чиқишига рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиши учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача четга чиқишига рухсат этилади.

Маҳкуманинг кўрсатиб ўтилган ҳолатларга кўра жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга қисқа муддатли чиқишга рухсат бериш ҳақидаги аризаси бир сутка давомида кўриб чиқилиши лозим.

Маҳкуманинг жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга қисқа муддатли чиқиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилганда, муассаса маъмурияти дарҳол бу ҳақида маҳкума ва унинг қариндошларини муассаса доирасидан четга чиқишни ташкил этиши учун хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан маҳкуманинг ҳуқ-атвори сабабли муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқишга рухсат бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилмаслиги мумкин. Рад этиш устидан прокурор ёки судга шикоят қилиш мумкин».

Амалдаги ЖИКда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексдаги ҳомиладор ва туғиши яқин бўлган, ишлайдиган аёлларга имтиёз белгиланган нормаларда, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар (МК 236-моддаси), ҳомиладор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли ишга ўтказиш (МК 226-моддаси), икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли ишга ўтказиш (МК 227-моддаси), хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, таътилга чиқиш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўланишига оид ҳуқуқлар ўз аксини топиши лозим.

Жиноят-ижроия кодексда меҳнат қонунчилигининг маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши билан боғлиқ имтиёзларни беришга доир ҳуқуқлари мустаҳкамланган юқорида қайд этилган нормалари ўз аксини топмаган. Шу сабабли диссертант ЖИК 130-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

«Маҳкума ҳомиладор ёки уч ёшгача болали аёллар меҳнатга жалб қилинганда, мазкур Кодекснинг 88-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланади».

Тадқиқотчининг фикрича, аёлларнинг кўпчилиги бола туққанидан сўнг, уни колония қошидаги болалар уйида қолдириши ва у билан бирга яшаши мумкинлигини, муддатидан олдин жазони ўташдан шартли озод қилиниб, озодликка чиқиши имконияти борлигини билмайди. Юқоридагилардан келиб

чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖИКга маҳкума аёлларнинг ҳуқуқий тарбияси, маданиятини оширишга доир алоҳида норма киртилиши лозимлиги асослантирилган.

Маҳкума аёлларни тарбиялаш ва тиббий-психологик тадбирларни ташкил этишда психологик ёрдам кўрсатиш муҳим эканлигини ҳисобга олиб, диссертант ЖИКни қуйидаги мазмундаги 9¹-модда «Маҳкумларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқи» билан тўлдириш таклиф этади:

«9¹-модда. Маҳкумларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқи»

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасалари психологик хизмати ходимлари ва ушбу ёрдамни кўрсатиш ҳуқуқига эга бошқа шахслар томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда маҳкумларнинг иштироки фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида психологик реабилитация махсус хизматлари, психологик ёрдам хоналари ташкил этилади».

Муаллиф ҳомиладор ёки ёш болали вояга етмаган маҳкума аёлларни катта ёшли маҳкумалар учун мўлжалланган колонияларга жўнатиш амалиёти, маҳкумларни ёши бўйича алоҳида сақлаш принципини бузиши сабабли ЖИК 124-моддасини «вояга етмаган ҳомиладор ёки уч ёшгача болали аёллар, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун вояга етган аёлларнинг жазони ўташи учун мўлжалланган қошида болалар уйи ва туғруқ бўлими бўлган умумий режимли колонияга жўнатилади» деган қоида билан тўлдиришни таклиф қилади.

Диссертантнинг фикрича, бу фақат вақтинча чора вояга етмаганларни яқинларидан минг километрлаб узоқда бўлишга мажбур этади. Тадқиқотчи, вақт ўтиши билан вояга етмаганлар учун алоҳида махсус муассасалар ташкил этилади, бунда ижтимоий ҳавфлилик даражаси юқорироқ бўлган шахслар учун ёпиқ коррекция муассасалар (марказлар)и билан бирга психолог-педагог мутахассисларга эга махсус очик турдаги реабилитация марказлари фаолият юритади, деган фикрни билдирган.

Муаллиф амалиётда аёлларнинг жазони ўташ шароитларида қуйидаги фарқлар мавжудлигини қайд этади:

биринчидан, жазони ўташ режими турлича бўлган аёлларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам ҳар хил бўлади. Бу маҳкумаларга бир йилда рухсат берилган учрашувлар, посилка, йўқловлар сонидан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун шахсий ҳисобида мавжуд пул суммасидан фойдаланиш имкониятига таъсир кўрсатади, яъни маҳкума жазони ўтаётган режим қай даражада имтиёзли бўлса, унинг имтиёзлари ҳам шунга мувофиқ ортади;

иккинчидан, турли режимли колонияларда жазони ўташ ва яшаш шароитидаги фарқлар, диссертантнинг фикрича, маҳкума ҳомиладор аёллар ва болали аёллар учун энг муҳими, қўшимча имтиёзларга эга бўлган шароитларда жазони ўташ имконияти ҳисобланади. Муассаса худудидан

ташқарида яшаш; болаларни колония қошидаги болалар уйига жойлаштириш; болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, қонунда аёллар учун умумий режим колонияларида жазони ўташ учун махсус шартлар назарда тутилган. Бундан ташқари, амалиётда маҳкума аёлларни сақлаш учун мўлжалланган умумий режимли колонияларнинг ходимлари аёлларнинг яшаши учун нормал шароитларни яратиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширадилар (қўшимча душ хоналари, гигиена хоналари билан жиҳозланади).

Тадқиқотда ривожланган хорижий давлатлар амалиёти ва амалиёт ходимлари орасида ўтказилган сўров натижалари (уларнинг аксарияти пенитенциар тизимнинг тури сифатида турмага қамаш аёллар учун мақбул эмас, деб ҳисоблайдилар)га асосланиб, аёллар учун турмага қамаш режими тайинланишини (ЖК 50-моддаси 9-қисми) бекор қилиш лозимлиги асосланган.

Муаллиф ЖК 50-моддаси 9-қисми “б” бандига “ҳукм қилинган” сўзларидан кейин «эркакларга» деган сўзларни киритиш, “шахсларга” сўзини чиқариш кераклигини, ЖИК 122-моддаси 1-қисмини «қуйидаги эркак маҳкумлар» сўзлари билан тўлдирилиши кераклигини тавсия этади.

Бундан ташқари, ЖИК 122-моддаси 4-қисмидан «Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар» сўзлари чиқарилиши тавсия этилган.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи назариясига кўра, маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш жойларига мослашиши таълим-тарбиявий жиҳатдан бир неча: ижтимоий, ижтимоий-психологик ва психологик жиҳатларга эгадир.

Ижтимоий мослашиши деганда маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, режим ва кун тартибини билиши ва унга риоя этиши, шунингдек, муассаса маъмуриятининг илтимосномалар, аризалар, шикоятларни кўриш хизматларини билиш ва ҳ.к. тушунилади. Ижтимоий мослашувни ташкил этишда маҳкумнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлиб, унинг ёши, ижтимоий мавқеи, оила ва болаларининг мавжудлиги ва бошқа биографик маълумотлар аҳамиятга эгадир. Озодликдан маҳрум қилиш жойлардаги режимга мослашишга ёрдам берадиган омилларга оила, фарзандлар, касб-хунар, жазони ўташ тажрибаси (судланганлик) ҳам киради¹⁴.

Маҳкумларнинг *ижтимоий-психологик мослашуви* шахслараро муносабатларга кириша олиш қобилиятини англатади - расмий (иш, масалан, маъмурият вакиллари) ва норасмий (дўстона), бошқалар билан самарали алоқа қилиш ва ўз ҳис-туйғуларини ва эҳтиёжларини мақбул тарзда ифода қилиш шулар жумласидандир¹⁵.

Маҳкумларнинг озодликдан маҳрум этиши жойларига психологик мослашуви остида маҳкумнинг онгли равишда ўз ички дунёси ва шахсий

¹⁴ Столяренко А.М. Энциклопедия юридической психологии. // Хрестоматия по юридической психологии. Особенная часть. Пенитенциарная психология. М., 2003. – С. 236-282.

¹⁵ Ўша манба.

фазилатларга мурожаат этиши, озодликдан маҳрум қилиш натижасида пайдо бўлган инқирозни енгишга кўмак берадиган ички қудрат мавжудлиги (масалан, нима бўлаётганида маъно кўриш, қийинчиликларни бартараф этиш учун мақсад ва мотивация борлиги)дир¹⁶.

Пенитенциар психологияда маҳкумлар тажовузкор хатти-ҳаракатларининг мотивациясини ўрганиш, таснифлаш схемаларини ишлаб чиқиш, маҳкумларнинг турли популяциялари бўйича психодиагностика усулларни мослаштириш, тажовузкор маҳкумларни тузатиш услубларини ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилган ва оширилмоқда.

Тадқиқотчи олимларнинг ишларини ўрганиш, маҳкума аёлларни сақлаш шароитлари билан танишиш асосида маҳкумаларнинг тегишли санитария-гигиена шароитларини тартибга солиш ва тузатиш зарур, деган хулоса келган. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шароит жамият ва давлатнинг аёлга нисбатан муносабатини акс эттириши боис, жамият ривожини даражасига мос бўлиши керак. Бундай қоида маҳкумлар билан муомала қилишга оид халқаро стандартлар талабига ҳам мос келади.

Муаллиф шунингдек, аёллар учун жиноят-ижроия муассасаларнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш мақсадида, маҳкума аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи нормаларни Ўзбекистон Республикаси ЖИК алоҳида бобига ажратиш зарурлигини асослайди.

Диссертациянинг «**Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган аёлларнинг ижтимоий реабилитациясини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби ва шароитларини такомиллаштириш муаммолари ва йўллари, аёл маҳкумаларни жазони ижро этиш муассасасидан озод этиш учун тайёрлаш, шунингдек жазони ўташ шароитларини яхшилашда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Таҳлиллар, ўтказилган сўров натижалари маҳкумаларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод этиш имтиёзидан фойдаланиш имкониятларига муносабати ижобий эканлигини, хусусан, ишга, ўқишга виждонан ёндашиши нуқтаи назаридан, уларнинг кўпчилиги ички қоидалари (муассаса режими)ни бузмаганлигини кўрсатади. Шу муносабат билан, қатор хорижий мамлакатлар, масалан, Польша, Чехия ва АҚШдаги муваффақиятли тажрибани инобатга олиб, муаллиф маҳкума аёлларнинг муайян тоифаларини, муддатидан илгари озод этиш имкониятларини кенгайтириш масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи пенитенциар муассаса маъмуриятининг энгилроқ шароитларда жазони ўтаётган маҳкума аёлларга узоқ муддатли учрашувларга, шунингдек қариндошларининг узоқ муддатли учрашувлар

¹⁶ Ўша манба.

хоналарида ҳақ тўламасдан туришга рухсат бериш ҳуқуқи билан таъминлаш кўзда тутилиши зарур деб ҳисоблайди. Бунинг учун ЖИК 82-, 133-моддаларига ўзгартишлар киритилиши керак, яъни колония маъмуриятига маҳкумининг алоҳида ҳолатларда, шунингдек, болаларни қариндошлари ёки болалар уйида жойлаштириш жазони ўташ муассасасидан четга чиқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш масалаларини ҳал қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Диссертант жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни: тузалганлигини исботлаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган, озод қилинган шахсга нисбатан махсус чекловларни кўзда тутмайдиган, келгусида озод қилиниш шартларига риоя этган, жазоланмасдан тузатилиши мумкин бўлган шахсларни шартли равишда озод қилинувчилар ҳуқуқига ажратиш ғоясини қўллаб-қувватлаган.

Муаллиф маҳкума озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмини ўтаб бўлганидан сўнг, унга автоматик тарзда муддатидан олдин шартли озод қилиш қўлланилиши лозим, деган фикрни асослаган.

Шунингдек, меҳнатни ташкил этиш моделининг рационаллиги ҳақида мунозарага киришмасдан, ҳар қандай ҳолатда уни мақбуллаштиришга эҳтиёж борлигини, у маҳкума аёлларнинг меҳнатини (нафақат уни) ўзгартириш, маҳкум ва бошқа жалб этилган шахслар учун фойдали иқтисодий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таклиф қилади:

1) қонунга мувофиқ ва амалда саноат зоналари колониялардан алоҳида бўлиши керак, яъни маҳкумларнинг меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлашга оид масалалар билан ЖИЭБ шуғулланмаслиги керак;

2) маҳкумларга иш ўринлари яратишда тадбиркорларнинг иштироки кенгайтирилиши зарур. Солиқ хизмати ва бошқа давлат органларига ҳисобот берган тадбиркор, ишлаб чиқаришнинг барча стандартларга мувофиқ бўлиши ва имкон қадар шаффоф бўлишидан манфаатдор бўлади;

3) маҳкумларнинг меҳнатга ҳалол, виждонан муносабати рағбатлантиришини янада яхшилаш мақсадида энг кам иш ҳақининг кафолатланган миқдорини ошириш, ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш, маҳкумларга пенитенциар муассасалардан ташқаридаги ўхшаш иш учун тўланадиган иш ҳақи миқдорининг камида 60% миқдоридида ҳақ тўлашни таъминлаш; рағбатлантириш сифатида маҳкумлар даромадларидан уларни озик-овқат, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари билан таъминлаш учун ушлаб қолинадиган суммадан воз кечилиши лозим;

4) маҳкумларни жазони ўташ муассасаларига жўнатишда нафақат географик кўрсаткичлар (уйга яқинлиги), балки малакаси, иш қобилияти ва пенитенциар тизимда аёллар меҳнатидан фойдаланиш имконияти ҳам ҳисобга олиниши керак.

Муаллиф амалдаги ЖИКда пенитенциар органлар ва муассасалар фаолиятида жамоат ташкилотларининг иштирок этиш механизми аниқ белгиланмаганлигини таъкидлаб, мазкур бўшлиқни бартараф этиш учун

ушбу фаолиятда жамоатчилик иштирокининг йўналишлари аниқ кўрсатилиши кераклигини, хусусан, ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида васийлик ва жамоатчилик кенгашлари, шунингдек, касаба уюшмалари, тарбия колонияларида - ота-оналар кўмиталарининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқлигини, бундай нормалар Германия, Польша, АҚШ, Швеция, Россия Федерацияси ва Қозоғистон жиноят-ижроия қонунларида (масалан, Қозоғистон ЖИК 8-моддасида васийлик ва жамоат кенгаши ҳақида, Россия Федерацияси ЖИК 23-моддасида жамоатчилик кузатув комиссияси) мавжудлиги билан асосланган.

Диссертант амалдаги ЖИКда жазони ўташдан озод қилинган маҳкумларга жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти томонидан ёрдам кўрсатиш жараёни муфассал тартибга солинганлигини таъкидлаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати тугашидан уч ой олдин жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкум танлаган истиқомат жойидаги ижтимоий мослашув марказига, унинг яқинда озодликка чиқиши, яшаш жойи бор-йўқлиги, иш қобилияти ва маҳкум эгаллаган мутахассисликлар ҳақида хабар беради.

Маҳкумни на иш ва на уй-жой билан таъминлаш кафолатнинг бермайдиган бундай расмий хабарномадан ташқари, муаллиф ЖИКга маҳкумга ўзининг шахсий ва ишга жойлашиш масалаларини ҳал қилиш учун қисқа муддатли таътилга чиқишига рухсат беришга доир нормани киритишни таклиф қилади (бундай қоидалар Россия Федерацияси ЖИК 97-моддаси 1-банди «а» бандида белгиланган). Бундай таътилнинг берилиши, албатта, жазони ижро этиш муассасидан озод бўлган аёл озодликдаги ҳаётини тартибга солишни қатъий истаса, яхши натижалар беради. Россиядаги жазони ижро этиш муассасаларининг ижобий амалиёти бундан далолат беради.

Муаллифнинг фикрича, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин:

- 1) жазони ижро этиш вақтида ҳулқ-атвори тузалганлар;
- 2) ҳулқ-атворида камчиликлари бўлганлар;
- 3) жазони ижро этиш жараёнида ҳулв-атвори тузалмаганлар.

Шахс озодликдан маҳрум этиш муассасаларида узок муддат бўлганида унинг ижтимоий муҳитдаги нормал яшаш шароитларига мослашиши мураккаб кечади ва бу жараён шахсдан фаол ҳаракатлар, юқори маънавий ва ахлоқий фазилатлар, юқори даражадаги ҳуқуқий онгни талаб қилади. Мослашувнинг муваффақияти қуйидаги омилларга: а) жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг дунёқараши, характерининг ўзига хос хусусиятлари, ҳулқ-атвори, ҳуқуқий онги, маънавияти, ахлоқи, этикаси, ихтисослиги, меҳнат кўникмалари ва бошқалар; б) жазодан озод қилинган шахснинг турар-жойи бор ёки йўқлиги, доимий рўйхатда туриши, оилавий аҳволи, иши, бу ишдан қониқиш ва меҳнат жамоаси билан

муносабатлари, назоратни амалга оширувчи ички ишлар ходимларининг тактикаси каби омилларга боғлиқдир¹⁷.

Тадқиқотчининг фикрига кўра жазодан озод қилинган шахс турмушда ижтимоий фойдали алоқаларни йўлга қўйган мавжуд талаблардан оғмаганида ижтимоий ҳаётга тез ва муваффақиятли мослашади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахс жиноятчилик муҳити ва ҳулқ-атвори ижтимоий хавфли деб тавсифланганлар билан алоқасини узади, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилмайди ва ҳуқуқбузарликлар содир этмайди.

Шу нуқтаи назардан, муаллиф озодликка чиққан аёлларни иш билан таъминлашда қуйидаги қўшимча кафолатлар берилишини таклиф қилади:

- жазони ўташ жойларидан озод қилинган ишсиз аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган мутахассисликлар бўйича касбий таълим олишга биринчи навбатда юборилиши;

- иш тажрибасига эга бўлмаган аёл жинсидаги ёш мутахассисларни меҳнат стажига қўшиладиган махсус амалиётга юбориш ва иш берувчилар томонидан иш ҳақининг қисман қопланиши;

- иш жойларига квоталар белгиланадиган фуқаро тоифаларини, кўп болали, ёлғиз оналар, ўта оғир ижтимоий шароитда қолган аёллар билан тўлдириб, квота тизимини тўловлар ёки субсидия тизими билан таъминлаш ва бошқ.

Муаллиф пенитенциар муассасалар ва уларда маҳкума аёлларнинг сақланишини ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, маҳаллий ҳокимият органларига илгари фақат марказий ҳукуматга тегишли бўлган айрим функциялар берилиши керак, деган фикрни билдиради. Шу асосда пенитенциар тизимни номарказлаштириш ва икки даражада: республика ва маҳаллий даражаларда ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, унинг фикрига кўра, давлат-хусусий шериклик доирасида Ўзбекистон пенитенциар тизимида ҳам *хусусий пенитенциар муассасаларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши* (кўплаб ривожланган давлатлар, шу жумладан, АҚШ ва Буюк Британия каби)га имкон берилиши шарт.

Ҳозирда Нидерландия, Франция, Бельгия ва бошқа Европа мамлакатларида хусусий турмалар мавжуд. Масалан, Англия ва Уэльсда жами 137 та турмадан 7 таси хусусий компаниялар томонидан бошқарилади, Австралиянинг айрим штатларида маҳкумларнинг деярли ярми хусусий камоқхоналарда сақланади. 2004 йилда Исроилда «Турмалар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ва хусусий турмаларни ташкил қилиш учун имкониятлар яратилди.

Кўпгина мамлакатларда хусусий компаниялар пенитенциар муассасалар фаолиятини таъминлаш (овқатланиш, санитария ишлови бериш, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш, ахлатни чиқариш ва ҳ.к.)га ёрдам

¹⁷ Столяренко А.М. Энциклопедия юридической психологии. // Хрестоматия по юридической психологии. Особенная часть. Пенитенциарная психология. М., 2003. – С. 236-282.

беради. Одатда, давлат хусусий компаниялар билан узоқ муддатли шартномалар тузади.

Бундай новация норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқилиши янги, жумладан хусусий пенитенциар муассасаларни ташкил этиш, улар фаолиятни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилишини талаб қилади. Бундан ташқари, тадқиқодда замонавий давлатнинг пенитенциар тизимида вояга етмаган маҳкумларга нисбатан турли хил тарбия муассасалари бўлиши шарт, бу талабнинг халқаро пенитенциар тажрибада билан ўз исботини топганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси пенитенциар тизимини халқаро ва хорижий тажриба асосида такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобда пенитенциар тизимнинг ташкил этиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган, аёлларни сақлаш шароитларини яхшилаш борасидаги қоидалар миллий қонунчиликка жорий этиш имкониятлари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиб, маҳкума аёлларни сақлаш шароитларини такомиллаштириш истиқболлари кўриб чиқилган, шунингдек тегишли тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларга кўра, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги қарор маҳкумлар ва уларнинг оилаларига қийинчилик туғдирмаслиги шарт. Ижтимоий реабилитация қилиш мақсадида маҳкумлар ўз яшаш жойларига яқин ёки имкон қадар яқин масофада жойлашган пенитенциар муассасаларда сақланиши керак. Стандартларда, *«иложи борича маҳкумлар билан маслаҳатлашиш ва уларнинг мақбул талабларини қондириш»* ни тавсия қилинади.

Муаллиф Марказий Осиёда аёллар ҳуқуқларини ривожлантиришга ёрдам бераётган халқаро ташкилотларнинг сай-ҳаракатларини қайд этиб, Остонада ўтказилган Биринчи минтақавий учрашувда халқаро турма ислоҳоти ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонасининг аҳоли заиф қатламларининг одил судга мурожаат қилишини яхшилаш бўйича лойиҳасида заиф тоифаларга нафақат ногиронлар, қариялар, касаллар ёки ўлимга ҳукм қилинганлар, балки аёллар ҳам кириши таъкидлайди¹⁸.

Диссертацияда ўхшаш шароитлар, менталитет нуқтаи назаридан Қозоғистон пенитенциар тизимида мавжуд муаммолар у ёки бу жихатдан Ўзбекистон миллий амалиёти ва қонунчилигига ҳам хос эканлиги қайд этилган.

Жумладан, Халқаро турма ислоҳоти ташкилоти маълумотларига кўра, Қозоғистоннинг аёллар колонияларида гигиеник эҳтиёжлар учун биноларнинг етишмаслиги, камераларда иссиқ сув йўқлиги, фақат ювиниш хавзаси ва ҳожатхона борлиги жиддий муаммо сифатида кўрсатилиб, маҳкумаларнинг ногиронлик аравачаси ва таглик стулчаларга муҳтожлиги,

¹⁸ <https://www.zakon.kz/4846935-ob-osobnostjakh-otbyvaniya-nakazaniya.html>

аёллар колониясида пандусларнинг мавжуд эмаслиги, давлат уларнинг жазони қулай шароитларда ўташи учун минимал элементар шарт-шароитларни яратиши кераклиги таъкидланган¹⁹.

Бундан ташқари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси эркак жинсига мансуб турма персонали аёллар жазони ўташ жойларига кириш ҳуқуқига эгалигидан ташвишланиб, бу жинсий тегиниш ва зўравонлик, маҳкумаларнинг шахсий ҳаётига тажовуз қилиш каби жиддий даъволарни келтириб чиқариши мумкинлигини, халқаро стандартларда қамоқдаги аёллар учун ғамхўрлик ва уларнинг назорати фақат аёл ходимларга топширилиши қатъий белгиланган. Эркак ходимларнинг аёллар бўлимига фақат аёл ходимлар билан бирга киришига рухсат берилади. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин²⁰.

Халқаро экспертларнинг фикрича, пенитенциар тизимда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини яхшилаш учун, биринчи навбатда, пенитенциар тизимни фуқаролик идорасига ўтказиш, яъни демилитаризация қилиниши лозим. Иккинчидан, яқин келажакда халқаро стандартларга жавоб берадиган турмалар қурилиши; учинчидан, миллий ва халқаро қонунчиликка қатъий риоя этилиши зарур²¹.

Пенитенциар муассасаларда жазони ўтаётган маҳкумаларнинг чекланмаган миқдорда ўз фарзандлари билан мулоқот қилиш ҳуқуқи мавжуддир, бироқ ушбу ҳуқуқ қонунда ўз аксини тўлиқ топмаган. Она маҳкумаларнинг руҳий ҳолати фарзандларига катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида оналари билан бирга бўлган ва улардан ажратилган болаларнинг аҳволига кам эътибор берилмоқда. Ваҳоланки, айрим халқаро ҳужжатларда болаларнинг озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкума оналари билан бирга қолиши уларнинг оналарига эмас, балки болаларнинг ўзига берилган ҳуқуқ, ҳатто имтиёз сифатида белгиланган.

Хорижий давлатларнинг жинойтчиликка қарши курашишига оид қонунларнинг таҳлили бугунги кунда инсонпарварлик ва адолат тамойиллари кўп жиҳатдан аксарият замонавий демократик давлатларнинг жинойт-ҳуқуқий сиёсати стратегиясини белгилашини кўрсатади. Хусусан, ушбу мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларнинг камайтирилгани, жазони профилактика чоралари билан алмаштириш, жазони ўташ жойларидаги маҳкумларнинг аҳволини яхшилаш, пенитенциар муассасаларда жазони ўтаётган ёшлар ва аёллар сонини камайтириш бўйича ягона тенденция кузатилади.

Ғарб давлатлари турмаларда инсонлараро низоларни ҳал қилиш бўйича психологик консультация, шунингдек, оилалар билан суҳбат ўтказиш аёлларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.

¹⁹ Ўша манба

²⁰ Ўша манба

²¹ Ўша манба

Ижтимоий иш кундалик ҳаётни ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ишсизларнинг турли хил ёрдам дастурлари орқали иш топиши ва касб эгаллаши, уларни қайта тайёрлаш курсларига жўнатиш, реабилитация ишларини амалга ошириш, жумладан, уларни уй-жой билан таъминлаш, суҳбатлашиш ва уйга қарашда ёрдам кўрсатишни қамраб олади.

Бугунги кунда деярли барча мамлакатларнинг қонунларида маҳкумларнинг олий маълумот олиши бўйича талаблар, чекловлар ёки тақиқлар бекор қилинган. Демак, пенитенциар муассасаларда сақланаётган шахслар олий маълумот олиш ҳуқуқини амалга ошириш имконига эгадирлар.

Бироқ Ўзбекистонда бу ҳуқуқни амалга ошириш қонунда мақбул даражада тартибга солинмаган: назарий жиҳатдан мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш мумкин, аммо айти пайтда сунъий чекловлар туфайли олий маълумот олиш қийин кечмоқда. Маҳкумлар олий таълим муассасаларида истисно тариқасида ўқиши мумкин, фақат пенитенциар муассаса олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиб, тегишли моддий базага, шунингдек, сиртки бўлимларга эга бўлганида бунга йўл қўйилади.

Муаллиф юқоридагиларга кўра, пенитенциар муассасаларда ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумот олиш имкониятларини тартибга солувчи ЖИК нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

ХУЛОСА

«Аёллар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг такомиллаштирилиши»га бағишланган диссертация тадқиқоти натижасида илмий-назарий хулосалар, тегишли қонун нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш самарадорлигини оширишга оид қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Аёлларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш соҳасидаги мамлакатимизнинг жиноят-ижроия қонунчилиги қуйидаги уч босқичдан иборат жиддий трансформацияни бошдан кечирган: 1926 йил 16 июнда Ўзбекистон тарихида илк мартаба ЎзССР Аҳлоқ тузатиш меҳнат кодекси қабул қилинган ва жазоларни ижро этиш идоравий норматив ҳужжатлар орқали эмас, балки қонун билан тартибга солина бошланди; 1970 йил 24 июндаги ССР Аҳлоқ тузатиш меҳнат кодексида 1926 йилги АтМК га нисбатан маҳкума аёлларга қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди; учинчи босқич Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексини қабул қилиниши билан бошланди (1997), унда ҳам аёлларга қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар амал қилмоқда.

2. Ўтказилган тадқиқотлар аёлларнинг жиноий ҳуққ-атвори эркаклар жиноий ҳуққ-атворидан жиноятни содир этиш усуллари ва қуроллари, уларнинг қўлами, жиноий хатти-ҳаракатлар туси, жиноий тажовуз қурбонини танлаш кабилар билан фарқ қилишидан далолат беради.

3. Аёл жиноятчининг замонавий *криминологик портрети* яратилган,

унга кўра 30-49 ёшларда, тугалланган ўрта ёки ўрта-махсус маълумотли, муайян машғулотга эга бўлмаган; қоида тариқасида, қасддан, муллка қарши битта жиноятни, ўзи ёки яқинлари ҳаётига яқин мотивларга кўра содир этган 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган аёлдир.

4. Аёл жинсига мансуб маҳкумлар жазони ўташи учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир нечта замонавий кичик ҳажмдаги, техник жиҳатдан юқори даражада жиҳозланган пенитенциар муассасалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

5. ЖИК 78-моддаси 3-қисмига ҳомиладор ва жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бўлган аёлларга посилка, йўқлов ва бандеролларни олиш бўйича чекловларни бекор қилиш хусусидаги ўзгариш киритиш таклиф этилади.

6. ЖИК 133-моддасини қуйидаги таҳрирда бериш таклиф этилган:

«133-модда. Маҳкума аёлларнинг қисқа муддатга муассаса доирасидан четга чиқиши

Мақтабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлари, васийлари ёки болалар муассасаларига жойлаштириши учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга муассаса доирасидан четга чиқишига рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиши учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача четга чиқишига рухсат этилади.

Маҳкуманинг кўрсатиб ўтилган ҳолатларга кўра жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга қисқа муддатли чиқишга рухсат бериш ҳақидаги аризаси бир сутка давомида кўриб чиқилиши лозим.

Маҳкуманинг жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга қисқа муддатли чиқиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилганда, муассаса маъмурияти дарҳ ол бу ҳақида маҳкума ва унинг қариндошларини муассаса доирасидан четга чиқишни ташкил этиши учун хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан маҳкуманинг хулқ-атвори сабабли муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқишга рухсат бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилмаслиги мумкин. Рад этиш устидан прокурор ёки судга шикоят қилиш мумкин».

7. ЖИК 130-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

«Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача болали аёллар, меҳнатга жалб қилинганда, мазкур Кодекснинг 88-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланилади».

8. ЖИКга янги 9¹-модда «Маҳкумларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқи» билан тўлдириш таклиф этилади:

«9¹-модда. Маҳкумларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқи

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасалари психологик хизмати

ходимлари ва ушбу ёрдамни кўрсатиш ҳуқуқига эга бошқа шахслар томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда маҳкумларнинг иштироки фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида психологик реабилитация махсус хизматлари, психологик ёрдам хоналари ташкил этилади».

10. ЖИК 124-моддасини «вояга етмаган ҳомиладор ёки уч ёшгача болали аёллар, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун вояга етган аёллар томонидан жазони ўташ учун мўлжалланган қошида болалар уйи ва туғруқ бўлими бўлган умумий режимли колонияга жўнатилади» тўғрисидаги қоида билан тўлдиришни таклиф қилади

11. Аёллар томонидан жазони ўташ шароитларидаги тафовут:

биринчидан, жазони ўташ режими турлича бўлган аёлларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам фарқ қилишида;

иккинчидан, турли режимли колонияларда жазо ўташ ва яшаш шароитидаги фарқларда намоён бўлади.

12. Аёллар учун турмага қамаш тариқасидаги режимни тайинлаш (ЖК 50-моддаси 9-қисми) мақсадга мувофиқ эмас. Тавсия этилган янгиликни жорий этиш мақсадида ЖК 50-моддаси 9-қисми “б” бандини «ҳукм қилинган» сўзларидан кейинг «эркакларга» деган сўзлар билан тўлдириш, «шахсларга» сўзини чиқариб ташлаш керак бўлади. Бундан ташқари, ЖИК 122-моддаси биринчи қисмини «қуйидаги эркак маҳкумлар» сўзлари билан тўлдирилиши керак.

Бундан ташқари, ЖИК 122-моддаси 4-қисмидан «Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар» сўзлари чиқарилиши керак бўлади.

13. Аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш мақсадида маҳкума аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган нормаларни Ўзбекистон ЖИКнинг алоҳида бобида бериш зарурлиги асосланган.

14. Пенитенциар муассаса маъмуриятининг енгилроқ шароитларда жазони ўтаётган маҳкума аёлларга узоқ муддатли учрашувлар ҳуқуқини бериш, шунингдек қариндошларини узоқ муддатли учрашувлар хоналарида ҳақ тўламадан туришга рухсат бериш ҳуқуқи билан таъминлаш таклиф этилади.

Шунингдек, ЖИКнинг 82, 133-моддаларига колония маъмуриятига маҳкуманинг алоҳида ҳолатларда, шунингдек, болаларни қариндошлари ёки болалар уйига жойлаштириш учун жазони ўташ муассасасидан четга чиқиши харажатларини қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи ўзгарлиришлар киритилиши тавсия этилади.

15. Маҳкума аёлларга нисбатан муддатидан олдин шартли озод қилиш презумпциясини жорий этиш, яъни аёл ўзига тайинланган жазонинг муайян қисмини ўтаганидан сўнг автоматик тарзда қўллаш таклиф этилади.

16. Амалдаги ЖИКда пенитенциар органлар ва муассасалар фаолиятида жамоат ташкилотларининг иштирок этиш механизми аниқ эмаслиги боис ушбу махсус фаолиятда жамоатчилик иштирокининг йўналишлари аниқ белгиланиши ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида васийлик ва жамоатчилик кенгашлари, шунингдек, касаба уюшмалари, тарбия колонияларида ота-она қўмиталари тузилиши мақсадга мувофиқдир.

17. ЖИКга маҳкумга ўзининг шахсий ва иш масалаларини ҳал қилиш учун қисқа муддатли таътилга чиқишга рухсат беришга оид нормани киритиш таклиф қилинади.

18. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларидан озод қилинган шахслар шартли равишда уч тоифага бўлинди:

- 1) жазони ўташ вақтида ҳулқ-атвори тузалганлар;
- 2) тарбиясида, ҳулқ-атворида камчиликлари бўлганлар;
- 3) жазони ўташ жараёнида ҳулқ-атвори тузалмаганлар.

19. Озодликка чиққан аёлларни иш билан таъминлашнинг қуйидаги:

- жазони ўташ жойларидан озод қилинган ишсиз аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган мутахассисликлар бўйича касбий таълимга биринчи навбатда юборилишини таъминлаш;

- иш тажрибасига эга бўлмаган аёл жинсидаги ёш мутахассисларни меҳнат стажига қўшиладиган махсус амалиётга юбориш ва иш берувчилар томонидан иш ҳақини қисман қоплаш;

- иш жойларига берилган квоталарни кўп болали ёлғиз оналар, ўта оғир ижтимоий шароитда қолган аёллар билан тўлдириб, квота тизимини тўловлар ёки субсидия тизими билан таъминлаш ва бошқа кўшимча кафолатлар берилиши таклиф этилади.

20. Давлат-хусусий шериклик доирасида Ўзбекистон пенитенциар тизимида хусусий пенитенциар муассасаларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши (кўплаб ривожланган давлатлар, шу жумладан, АҚШ ва Буюк Британия каби) таклиф этилади.

21. Пенитенциар муассасаларда, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумот олиш имкониятларини тартибга солувчи ЖИК нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.22.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АХМЕДОВА ГУЗАЛХОН УТКУРОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ОТБЫВАНИЯ ЖЕНЩИНАМИ
НАКАЗАНИЯ В ВИДЕ ЛИШЕНИЯ СВОБОДЫ И ЕГО
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ**

12.00.08 – Уголовное право. Предупреждение правонарушений.
Криминология. Уголовно-исполнительное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.DSc/Yu28.

Диссертационная работа выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-сайте Научного совета (www.tsul.uz) и Портале Информационной образовательной сети «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Кабулов Рустам доктор юридических наук, профессор
	Тохиров Фарход доктор юридических наук, профессор
	Абдукодиров Шерзод Ёкубджонович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится ____ ____ 2019 года в ____:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете. (Адрес: 100047, г.Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за № ____). (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. А.Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан ____ 2019 года.
(протокол реестра № __ от ____ 2019 года).

Н.С. Салаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Б.Мусаев
секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук

Г.З. Тулаганова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. На современном этапе мирового и социального этапа развития противодействие преступности приобретает глобальное значение. Особая актуальность в этом придается всемерному снижению участия женщин в криминальной деятельности. Женщины. Мировое сообщество, осознавая масштабность и опасность женской преступности цивилизации, стремится к объединению усилий по разработке современных международных стандартов и направлений реформирования уголовного и пенитенциарного законодательства. В частности, в 2010 году Генеральная Ассамблея ООН одобрила Правила ООН, касающиеся обращения с женщинами-заклученными и мер наказания для женщин-правонарушителей (Бангкокские правила).²² В настоящее время более 11 млн. женщин отбывают наказание в виде лишения свободы, в частности в таких странах как США, РФ, Испания и Казахстан осужденные женщины составляют 15-20% от общего числа осужденных лиц.²³ Все это в целом, говорит об актуальности реформирования деятельности пенитенциарных учреждений, разработки механизмов и эффективных мер превенции женской преступности.

В мировом сообществе, в качестве наиболее важных мер повышения эффективности предупреждения женской преступности, указывается на необходимость совершенствования условий отбывания женщинами наказания в виде лишения свободы, продолжение имплементации в национальное законодательство международных стандартов относительно создания специальных условий отбывания наказания для осужденных женщин, разработки механизмов социально-психологической адаптации как основного пути профилактики и предупреждения совершения рецидивных преступлений осужденными женского пола, совершенствование профилактической функции пенитенциарной системы, а также проведение совместных исследований перспектив дальнейшего правового регулирования в сфере пенитенциарной политики.

В республике Узбекистан важное значение придается реформированию уголовно-исполнительного законодательства, пенитенциарной системы, профилактики женской преступности, обеспечению ресоциализации осужденных после отбытия наказания, а также осуществляется ряд целенаправленных мер. В этой связи, «совершенствование и либерализация уголовного и уголовно-процессуального законодательства, декриминализация отдельных уголовных деяний, гуманизация уголовных

²² Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся обращения с женщинами-заклученными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила) [Электронный ресурс]. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangkok_rules.shtml.

²³ <https://zen.yandex.ru/media/maphub/skolko-jenscinzakliuchennyh-v-mire-5c1507dda1f01300a9c76eb4>

наказаний и порядка их исполнения»²⁴ определено в качестве одного из приоритетных направлений развития уголовно-исполнительного законодательства страны, исследование данной сферы имеет важное значение.

Диссертационное исследование, в определенной степени служит реализации приоритетных задач, поставленных в Уголовно-исполнительном кодексе (1997), законах Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» (2016), «Об установлении административного надзора за отдельными категориями лиц, освобожденных из учреждений по исполнению наказаний» (2019), постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года № ПП–2833 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью», постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года № ПП–3200 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере исполнения наказаний, связанных с лишением свободы», постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года №ПП–4006 “О мерах по кардинальному совершенствованию уголовно-исполнительного законодательства” и некоторых отраслевых актах законодательства.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научно-исследовательские работы направленные на изучение теории и практики отбывания наказания женщинами в виде лишения свободы проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях, в том числе, University of London, Institute for Criminal Policy Research (Англия), Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council (ЮАР), Queensland University of Technology, Brisbane (Австралия), U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice (США), University of Western Ontario (Канада), Бакинском государственном университете (Азербайджан), Дальневосточном федеральном университете (РФ), Ташкентском государственном юридическом университете, а также, Академии МВД Республики Узбекистан (Республика Узбекистан).

²⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за №УП–4947 // Сборник актов законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70.

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации освещен на основе следующих источников: www.helsinki.fi/institute-of-criminology-and-legal-policy; www.prisonstudies.org; www.mpicc.de/en/home.cfm; www.prisonpolicy.org; www.сюи.фсин.рф; tsul.uz; akadmvd.uz и др.

При проведении научных исследований получен ряд научных результатов, в частности: осуществлена классификация и установлены критерии гендерного подхода при предупреждении преступности (University of London, Institute for Criminal Policy Research, Англия); на основе комплексного подхода к повышению эффективности борьбы с преступностью, раскрыты экономические и социальные аспекты применения мер наказания в отношении женщин (Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЮАР); раскрыты теоретические и практические аспекты женской насильственной преступности в отношении женщин, как одного из критериев теории феминизма (Queensland University of Technology, Brisbane, Австралия), исследованы меры профилактики женских преступлений, совершаемых женщинами путем расширения альтернативных мер наказания (U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice, США); предложены новые формы и методы предупреждения преступности в пенитенциарных учреждениях путем повышения образовательного потенциала (University of Western Ontario, Канада); исследованы возможности борьбы с женской преступностью посредством криминологического анализа материалов уголовных дел (Бакинский государственный университет (Азербайджан), определено, что в качестве основных причин латентности женской пенитенциарной преступности служат недостатки в организационно-управленческой и воспитательной деятельности системы исполнения наказаний (Дальневосточный федеральный университет, РФ).

В мире проводятся исследования касательно совершенствования отбывания женщинами наказания в виде лишения свободы по следующим приоритетным направлениям: совершенствование правовых основ расширения применения на практике альтернативных лишению свободы наказаний в отношении женщин; комплексное урегулирование нормативной базы по устранению, предупреждению причин рецидивной преступности женщин; либерализация наказаний, назначаемых в отношении женщин, совершивших преступления под влиянием негативной ситуации или принуждением; улучшение обеспечения прав человека в пенитенциарной системе; совершенствование мер предупреждения агрессивного поведения женщин, осужденных к наказанию в виде лишения свободы и др.

Степень изученности проблемы. Вопросы совершенствования и развития пенитенциарной политики в Узбекистане, а также женская преступность исследовались многими ведущими учеными Узбекистана, в том числе К.Р. Абдурасуловой, З.С.Зариповым, И.У.Исмаиловым, Н.С.Салаевым, О.М.Махкамовым, А.А.Мирзаевым, Ж.А.Неъматовым, Ю.С.Пулатовым и др.

Кроме того, ряд ученых – А.А. Ахмадеев, Ш.Х. Иногамов, А.А.Шамансуров и др., рассматривали вопросы дальнейшего развития уголовно-исполнительного законодательства.

Отдельные проблемы исполнения уголовного наказания в местах лишения свободы исследовались Ю.С. Пулатовым, Ч.А. Сатторовым, М.Ш. Юлдашевым и др.

В качестве одной из составляющих исследования пенитенциарные аспекты женской преступности затрагивались в различных социально-демографических, криминологических, психологических и правовых исследованиях. В контексте рассмотрения общих проблем уголовно-исполнительной политики вопросы преступности женщин исследовались учеными Е.О.Алаухановым, Ю.М.Антоняном, А.И.Долговой, И.И. Карпецом, В.Н.Кудрявцевым, Н.Ф.Кузнецовой, А.С.Михлиным, А.А.Габиани,

Н.А. Стручковым, А.М. Яковлевым, Л.Ш.Берекашвили, М.Н.Голоднюк, А.К.Звирбуль, И.А.Кирилловой, В.А.Серебряковой, Т.М.Явчуновской²⁵.

